

«Кулол Қўрғон» жоме масжиди биноси пойдеворига биринчи ғишт қўйилди.



10:33 / 22.07.2019 2773

«Аллоҳнинг масжидларини Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганлар, намозни тўқис адо этганлар, закот берганлар ва Аллоҳдан бошқадан қўрқмаганларгина обод қилурлар» деб марҳамат қилган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ҳамду санолар бўлсин!

«Ким бир масжид қурса, Аллоҳ унга жаннатда шунинг мислини қуриб беради», деб марҳамат қилган Расулимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга дуруду салавотларимиз бўлсин!

Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсинки, буюк алломалар юрти бўлмиш қадим Мовароуннаҳр юртимизда сўнги йилларда масжид-мадрасалар қуриш яна одатий жараёнга айланиб бормоқда. Ҳар куни юртимизнинг турли вилоятларидан янги масжид қурилаётгани ёки қуриб битказилиб, ишга тушгани ҳақида хушxabарлар келиб турибди.

Пойтахтимиздаги Сузук ота, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги жоме масжидларнинг, шунингдек, Сурхондарё вилоятидаги «Ҳаким Термизий» жомеъ масжидларининг бунёд этилгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Хусусан, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги масжиднинг юртимиз раҳбари томонидан бундан кейинги

қурилажак масжидлар учун намуна сифатида эътироф этилиши Ўзбекистонда масжид-мадрасалар қурилишига нақадар юксак эътибор берилаётганини ифодалайди.

Бугун 22 июль душанба куни пойтахтимиз Тошкентда ана шундай хайрли ишларнинг яна бир гўзал намунасига гувоҳ бўлдик. Ушбу кун Юнусобод тумани 12 даҳадаги «Кулол Қўрғон» жомеъ масжидининг илк ғиштини қўйиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов бошчилигидаги бир гуруҳ дин пешволари, имом-хатиблар, мударрислар масжид қурилишига ташриф буюриб, иш жараёни билан танишдилар. Масжид ҳайъати ҳамда барча усталар, масжид қурилишига моддий ва маънавий ёрдам бераётган юртдошларимизнинг ҳаққига хайрли дуолар қилдилар.

Шундан сўнг муфтий Усмонхон Алимов масжиднинг илк ғиштини табаррукона қўйиб бериб, унинг қурилишига оқ фотиҳа бердилар.







«Кулол-Қўрғон» жоме масжиди имом-ноиб Муҳаммад Баҳодир